

# ADO LAT



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat\_sdp@doda.uz • www.adolat.uz • № 30 (835) • 2011 йил, 15 июль, жума

Депутатлик имтиёз ҳам, мартаба ҳам эмас

Бугунги депутатнинг зиммасида ўзига яраша юки, масъулияти бор. Зотан, ҳаётнинг ўзи депутатдан ташаббускорликни, жамиятнинг, элнинг қорига ярайдиган, қабул қилинаётган қонунлар моҳиятини кенг жамоатчиликка содда тил билан етказа оладиган, маҳаллий ҳокимиятлар қабул қилаётган қарорлар ва уларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бора оладиган бўлишни тақозо этмоқда.

3-бет

Муқобил энергия манбалари

ва улардан фойдаланишнинг афзалликлари

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Физика — кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда муқобил, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳолати, унинг иқтисодий ҳамда экологик афзалликлари, соҳага доир қонунчилик ва уни такомиллаштириш масалалари, шунингдек, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича муҳокама қилинди.

5-бет

Журналист суриштирувидан сўнг...

ҳимояга муҳтож дардман аёл муаммоси ҳал бўлди

Биз М.Мирзаеванинг вақтинча яшаб турган хонадонига чортоқлик шифокорлар, шунингдек, туман бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари билан биргаликда ташриф буюрдик. Мутасаддилар мактуб эгасининг кундалик ҳаётини ўз кўзлари билан кўришди, тегишли хулоса чиқаришди.

7-бет



## Мумтоз меъморий мактаб

Публицистика

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



Етти нафар набираларимдан бирининг туғилган куни муносабати билан жам бўлишганидан суюниб, бирини опичлаб, қолганларини етаклаб, мамлакатимиз Бош майдони — пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига олиб бордим. Роса яйрашди. Гоҳ майдоннинг рамзий дарвозасига кўйилган кўркам, улғувор устунларга, гоҳ улар устида юртимизнинг юксакликка парвоз этаётганига ишора бўлган овоз турналарга, уларнинг ўнг ва чап қанотида — ўлкаимиздаги тинчлик ва осойишталик тимсоллари — бир оёқда тин олиб турган лайлақларга бот-бот боқиб, мени саволга кўмиб ташлашди.

Давоми 4-бетда >>

## Парламент эшитуви —

парламент назоратини амалга оширишнинг муҳим механизми

Депутат минбари

Қодир Жўраев,  
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар — авваломбор, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципларини ҳаётга изчил татбиқ этишга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш каби масалаларга қаратилди.

Айниқса, парламент ислохотларининг босқичма-босқич амалга оширилиши, икки палатали Олий Мажлиснинг шаклланиши ва фаолият олиб бориши парламент назорат функцияларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунки қонунларга риоя қилиш ва уларни ижро этиш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда парламент назорати институти муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, ривожланган демократик мамлакатлар парламентлари амалиётида парламент назоратининг турли шакллари билан кенг фойдаланилади.



Давоми 2-бетда >>

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда бир нечта қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.



Давоми 6-бетда >>

## Қонун лойиҳалари

инсон манфаатларига хизмат қилсин

Парламентда

Фарҳод ЭСОНОВ,  
«Адолат» мухбири.

Дастлаб, темир йўл транспорт объектларида хавфсизликни таъминлашнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш, одамлар ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи фавқулодда вазиятлар юзга келишига йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган «Темир йўл транспорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўл та-

шишлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Маълумки, жорий йилнинг 24 май куни мазкур қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиб, иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни масъул қўмитага топширган эди. Қўмита ишчи гуруҳи эса муҳокамаларда билдирилган таклиф ва тавсияларни

инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун депутатлар ҳуқуқига ҳавола этди.

Ушбу масала юзасидан парламент куйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси А.Содиқовнинг маърузаси тингланди.

Таъкидландики, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда тайёрланиш асосида баъзи тахририй ўзгариш ва қўшимчалар билан такомиллаштирилди.

Давоми 3-бетда >>

“Бугун ёруғ юз билан айтишга ҳаққимиз борки, қанчалар қийин бўлмасин, биз бир кунлик ҳаёт билан яшаганимиз йўқ, келажақ авлодимизнинг ризқи ва насибасига хиёнат қилганимиз йўқ”.

Ислом Каримов

## Истиқлол тафтида улғаяётган авлод

Ёшлар ва келажақ

Фармуда МУРОДОВА,  
«Адолат» мухбири.

Кишилик тарихида бир-бирига мутлақ ўхшайдиган давр йўқ. Ҳар бир давр, ҳар бир авлод ўзигагина хос хусусиятларга эга. Авлодлар янгиланиши баробарида жамиятдаги муносабатлар, қадриятлар тизими ҳам ўзгариб, сайқал топиб боради. Жамият қиёфасини янгилаш учун, энг аввало, ундаги маънавий муҳитни, таълим-тарбия тизимини янгилаш лозим. Одамлар онгини ўзгартирмай туриб жамиятни янгилан бўлмайди. Тафаккур қарамликдан халос бўлсагина, инсонни ҳаракатга келтиради.

Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Президент Ислом Каримов ана шу ҳақиқатни теран англаган ҳолда мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатда маънавий соғлом муҳитни шакллантириш ва ёш авлод тарбиясини энг устувор вазифалардан бири, деб билди ҳамда бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Шу боисдан янги жамиятга муносиб авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ақлий салоҳиятини юзага чиқариш истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат ва жамият тараққиётининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Бу бежизга эмас. Ёшлар азалдан ҳар қандай миллатнинг куч-қудрати, мардлик ва жасурлик, ғурур-ифтихор тимсоли бўлиб келган. Навқирон авлод салоҳиятига ишонч билдирган ва унинг камолоти ҳақида қайғурган халқ тарихининг ҳеч бир даврида кам бўлмаган. Қанчадан-қанча давлатларни тарихнинг оғир синовларидан азму шижоатли ёшлари олиб чиққан. Муболағасиз айтиш мумкинки, дунёдаги энг самарали инвестиция келажақ авлод тарбияси йўли-

да сарфланган инвестициядир. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ярим вайрона ҳолга тушиб қолган Германия ва Япониянинг тараққиётда нечоғлик илгарилан кетганини эсга олинг. Урушдан катта талафотлар билан чиққан бу икки давлат асосий эътиборни аввало таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишга, янги педагогик технологияларни яратишга, яъни ёшлар тарбиясига қаратди. Ва ёш авлоднинг мислсиз бунёдкорлик салоҳияти эвазига бу икки давлат тез орада дунёнинг манаман деган давлатлари қаторига чиқиб олди. 1970-75 йилларда ақл бовар қилмайдиган даражада оғир ҳаёт кечирган Жапония ва Корея ҳам бугунги турмуш даражасига эришишда биринчи галда ёшларга, уларнинг ғайрат-шижоатига суянди.

Ислохотлар самараси ўлароқ бугун юртимизда дунёқароши, онгу тафаккури, яшаш ва фикрлаш тарзи бутунлай янгича бўлган Истиқлол авлоди вояга етмоқда.

Давоми 6-бетда >>

## Жонкуярлик ва фаоллик

камчиликларни бартараф этишга, ютуқларни мустаҳкамлашга хизмат қилади

Ўқув семинари

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Барчамиз учун энг улғу, энг азиз бўлган Ватанимиз Мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида фаол демократик ислохотлар даврида босиб ўтган йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, мустақил тараққиётимизнинг иккинчи босқичида амалга оширилган ютуқларни ҳолисона баҳолаш, ислохотлар моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, келгусидаги вазифаларни «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» нуқтаи назаридан белгилаб олиш мақсада мувофиқдир.

Давоми 2-бетда >>







# Улкан мақсадлар

## уни амалга оширишда, аввало, қўйи ташкилотлар иш самарадорлигини ошириш зарур

### Ўз-ўзини танқид

Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Андижон вилояти Кенгаши  
матбуот хизмати.

Хар қандай партиянинг долзарб вазифаларидан бири, аввало, жамиятда ўзига хос мавқега, салоҳиятга эга бўлишдир. Шунинг учун партия ўз мақсад ва вазифаларини аҳолининг турли қатламлари орасида кенг миқёсда тарғиб-ташвиқ қилмоғи, қолаверса, партиянинг қўйи тузилмаларини янада мустақамлаш чораларини кўрмоғи лозим.

Шу маънода 5210 нафар аъзони бирлаштирган 129 та бошланғич партия ташкилоти фаолиятини янада кенгайтириш Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгашининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу борада БПТ етакчилари учун ташкил этилаётган ўқув семинарлар, Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институт Андижон вилояти минтақавий бўлинмаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган давра суҳбатлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Вилоятдаги Пахтаобод, Избоскан ва Асака туманлари партия кенгаши фаолиятида кузатилаётган ютуқлар замирида қўйи ташкилотларнинг ҳиссаси алоҳида. Жумладан, Избоскан туманида шу йилнинг ўтган даври мобайнида ташкил этилган 30 дан ортиқ турли мавзулардаги тadbирлар улар фаолиги билан ташкил этилди. Натижада партия сафи 50 нафардан ортиқ фаол аъзолар ҳисобига кенгайди.

рилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида БПТ фаоллик кўрсатмоқда.

Бўз туманида ҳам «Адолат» СДПнинг мавқеи кун сайин ортиб бормоқда. Биргина туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган БПТлар фаолияти деярли кўзга кўринмапти. Бу каби салбий ҳолатларга, албатта, партия туман кенгаши фаолларининг ҳам эътиборсизлиги, лоқайдлиги сабаб бўлмоқда.

Туман кенгаши раиси Бахтиёр Жумашевнинг айтишича, бошланғич ташкилотлар раҳбарларининг тез-тез алмашинуви ишнинг орқага кетишига сабаб бўлмоқда. Муқобил машина трактор парк ва туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган БПТлар фаолияти деярли кўзга кўринмапти. Бу каби салбий ҳолатларга, албатта, партия туман кенгаши фаолларининг ҳам эътиборсизлиги, лоқайдлиги сабаб бўлмоқда.

Пахтаобод тумани кенгаши томонидан олиб борилаётган ишларда ҳам БПТ фаоллигини сезиш мумкин. Туманда амалга оширилаётган ислохотларда партия фаолларининг иштироки, «Адолат» СДПдан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатларининг туман кенгаши сессияларида долзарб масалаларни кўтариб чиқаётганлиги, чегара ҳудудларда турли жиноятчилик ва қонунбузарликларга қарши олиб бо-

раҳбарларининг тез-тез алмашинуви ишнинг орқага кетишига сабаб бўлмоқда. Муқобил машина трактор парк ва туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган БПТлар фаолияти деярли кўзга кўринмапти.

Вилоятдаги баъзи БПТларнинг фаоллиги аъзолик бадаллари тушумига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. 2011 йилнинг ўтган 6 ой давомида Марҳамат тумани партия кенгаши бу борадаги режани бор-йўғи 12 фоизга, Ҳўжабод тумани 16 фоиз, Балиқчи тумани 19 фоизга бажарди, холос. Вахотанки, аъзолик бадаллари тушуми кўпгина қўйи ташкилотларда масалан, Андижон шаҳар партия ташкилотида 147 фоиз, Олтинкўл туманида 178 фоиз бажарилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, олдимишга улкан мақсадни қўйган эканми, аввало, қўйи ташкилотлар иш самарадорлигини оширишимиз зарур. Зеро, ислохотларнинг хозирги босқичида фақат фаоллик ва ташаббускорлик орқалигина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Кейинги 40 йил мобайнида ер юзида экологик муаммолар ортиб бораётганлиги мутахассис-олимларни жиддий ташвишга солаётди. Иқтисодий тараққиёт мақсадларидан фойдаланишнинг меъридан ортиб кетиши бунинг асосий сабаби сифатида эътироф этилаётди. Ёқилнинг органик турларидан фойдаланувчи электр ва иссиқлик станциялари ҳамда ички ёнув двигателларидан чиқаётган зарарли газлар туфайли атроф-муҳит муайян даражада ифлосланмоқда. Шу билан, инсоният муқобил, камхарж ва зарарсиз энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш устида бош қотираётди. Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ташаббускоридир.

# Муқобил энергия манбалари

## ва улардан фойдаланишнинг афзалликлари

### Нуқтан назар

Комилжон ШОДИМЕТОВ,  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Тошкент вилояти Кенгаши раиси.

Айтиш жоиз, Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз фаолиятида муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш масаласини муҳим деб билади. Қайта тикланадиган ноанъавий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татиқ этиш масалалари партия диққат-марказида турибди. Энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантириш партиянинг сайловолди дастурида устувор вазифа сифатида белгиланган бўлган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўзининг дастурий вазифаларини изчил амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантириш мақсадида бир қатор муҳим тadbирларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Физика — кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил этилган тadbирда мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ҳолати, унинг иқтисодий ҳамда экологик афзалликлари, соҳага доир қонунчилик ва уни тақомиллаштириш масалалари, шунингдек, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси атрофида муҳокама қилинди. Партия худудий ташкилотларининг бу борадаги муайян ишлари, айниқса, Тошкент вилояти партия Кенгаши фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ.

Партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши ноанъавий ва қайта тикланадиган энергия манбаси ишлаб чиқарилиши масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Вилоят Кенгаши ҳузуридаги «Истеъдод» клуби ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга амалий ёрдам бериш билан бирга, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда яқин кўмақдошга айланган. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бизнеснинг ташаббусимизга асосан виллоят ҳокимлиги, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Еш иннова-

тор — ислохотга кўмақдош» кўрик-танлови эълон қилинган. Шу ўринда «Истеъдод» клуби ёрдамида Ўртачирик туманидаги «Ихлос Бизнес Барака» хусусий корхонаси томонидан «Чиқиндидан биогаз ва биоўғит олиш» бўйича амалга оширилган лойиҳани алоҳида таъкидлаш лозим. Корхона Кенгашимиз ташаббуси билан «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» томонидан эълон қилинган грант лойиҳаларида иштирок этганди. Қувонарлиси, партия фаолларининг саъй-ҳаракатлари беसार кетмади — лойиҳа



нинг бир неча афзалликлари бор. Биринчидан, нефть, газ, кўмир каби фойдали қазилмаларнинг қамайиб бориши туфайли қайта тикланадиган

«...муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга кенг йул очиб беришимиз зарур»

Ислом КАРИМОВ

# Бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик маскани бу — Ватан!

### Миллий маданий марказларда

Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Тошкент шаҳар Кенгаши  
матбуот хизмати.

Бу йил Ўз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида турган кўп миллатли хур диёрида ўзаро бағрикенглик тамойиллари асосида халқимиз тинч, осуда ва фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўзига хос ҳиссасини қўшиб келмоқда. Зеро, партия сайловолди дастурида «Бирдамлик» социал-демократия шiorларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз — азалдан ўзининг миллий, маданий ва диний анъаналарига эга кўплаб халқлар ёнма-ён яшаб келаётган минтақадир. Мақсадимиз, уларнинг хилма-хиллигини муштарақ ҳолда сақлаш ва ривожлантиришдан иборат. Шу муносабат билан биз бағрикенглик асосида қарор топган миллатлараро ва динлараро муносабатларни бундан кейин ҳам асраб-авайлаш, уларнинг уйғун равишда ривожланишига кўмаклашиш ниятидамиз» дея қайд этилган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ва Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда 11 июль — Жаҳон халқлари куну муносабати билан «Ўзбекистон — ахил оила» мавзудида ташкил этилган маданий-маърифий тadbирда ҳам юртимиздаги турли миллат вакилларининг ўзаро тотувлиги ва ҳамжиҳатлиги яна бир бор намоён бўлди.

Тadbирда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлиси

Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Тошкент шаҳар Кенгаши ходимлари, юртимиздаги миллий маданият марказлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

— Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикка, барқарорликка муҳим асос бўлган жиҳатлардан бири, бу шубҳасиз, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби омишлар билан боғлиқдир. — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Қ.Жўраев. — Шу маънода айтиш жоизки, 130 дан ортиқ миллат ва элат, 15 диний конфессия вакиллари баҳамжиҳат яшаб келаётган юртимизда тарққиёт ҳамда истиқболимизнинг бардавонлигига миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларнинг барқарорлиги туфайли эришилмоқда. Бунда, албатта, Ўзбекистонда кўп сонли миллат ва элат вакилларининг халқимиз билан елкама-елка, халқ ҳўжалигининг барча соҳа ва тармоқларида самарали меҳнат қилиб, ахил-иноқликда фаровон ҳаёт кечириб келаётганининг мустақам қонуний асослари яратилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, тўлақонли таълим-тарбия олиши, меҳнат қилишига оид ҳуқуқий қарорлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган.

— Мустақиллик йилларида



Республикамизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари учун шундай муҳит яратилдики, улар бир оила фарзандларидек яшаб келмоқдалар, — деди Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев. — Бугун мамлакатимизда 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Байналмилал маданият маркази фуқаролик жамияти институтининг турли бўғинлари — жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар билан биргаликда турли миллат ва диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустақамлашга фаол ҳисса қўшиб келмоқда. Шу кунларда истиқболимизнинг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзудидаги дўстлик фестиваллари, халқ сайллари, бадиий-ва фото-кўргазмалар, кўрик-танловлар, концертлар шулар жумласидандир.

— Бугун Ўзбекистонда 30 мингдан ортиқ бошқирлар барча миллат вакиллари сингари фаровон ҳаёт кечирмоқда, — деди Тошкент шаҳридаги бошқирд маданий маркази раҳбари Ильшад Хасанов. — Жонажон Ватаннимиз Ўзбекистонда барча миллат вакилларининг ўз анъана ва урф-одатлари, қадриятларини сақлаш, янада ривожлантириш учун ҳамма шароит ва имкониятлар яратилган. Бунинг бизнинг миллий маданий марказимиз фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Шу кунларда Ватаннимиз мустақиллигининг 20 йиллигига биз ҳам қизгин хозирлик кўрмоқдамиз.

Тadbирда, шунингдек, юртимиздаги миллий маданият марказларининг бадиий жамоалари иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Фаоллик қарсатган миллий маданий марказлар вакилларидан бир гуруҳи ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан муқотландилар.







